



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Каримов Ёрқин Нуруллаевич

ИИБ Академияси магистратура тингловчиси
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7812929>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2023

Accepted: 09th April 2023

Online: 10th April 2023

KEY WORDS

Принциплар, шахс эркинлиги, шахсий дахлсизлик, шахс ҳуқуқларини чеклаш, Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг асосий принциплари таҳлил қилинган.

Баъзи олимлар «ҳуқуқ» ва «эркинлик» тушунчалари ўзига хос нуқтаи назардан қараганда ажралиб туради, лекин бунда бир хил ҳодиса кўриб чиқилади, деб фикр юритадилар. Ҳуқуқ – бу ҳар қандай ижтимоий бойликка эришиш имконияти, эркинликни эса у ёки бу ҳаракатни содир қилиш (амалга ошириш) имконияти сифатида талқин қилиб, «ҳар бир конституциявий эркинлик бир вақтнинг ўзида шахснинг ҳуқуқидир» деб эътироф этадилар¹.

Шахс эркинлиги – инсонга берилган ва ўз қарашлари, хоҳишлари ҳамда тасаввурлари доирасида фикрлаш, ҳаракат қилиш, ўз мақсадларига эришиш имкониятидир. Кундалик ҳаётда шахс эркинлиги бировнинг хоҳишига, мажбурловига боғлиқ бўлмасдан ўз ихтиёрига кўра ўзини тутиш, ирода қилиш демақдир².

Ҳуқуқ шахснинг жамиятдаги эркинлиги мавжудлигини белгилайди, бурч эса бу эркинлик меъерини, чегарасини кўрсатиб беради ва шахсга ижтимоий масъулият юклайди. Қонуний манфаат ҳамма вақт ҳам шахс ҳуқуқларида намоён бўлмайди, бироқ у давлат муҳофазасида бўлади³. Шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юрларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Тошкент, 2000. – Б. 49–58; Саидов А. Х., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.1. – Тошкент, 2001. – Б. 225–227.

² Чутбаев М. Р. Даствлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: монография. – Тошкент: ИИБ Академияси, 2014. – Б. 10.

³ Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т. 2. – Ташкент, 2001. – Б. 426; Петрухин И. Л. Личная жизнь: пределы вмешательства. – Москва, 1989. – С. 7; Красавчикова Л. О. Личная жизнь граждан под охраной закона. – Москва, 1983. – С. 12–20; Фозилов У. Э. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатининг ҳуқуқий механизмини оптималлаштириш хусусида фикрлар // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2003. – № 4. – Б. 90–92.



муҳофаза қилиш билан бир пайтда давлат ўзи ҳамда бутун жамият манфаатларини муҳофаза қилади⁴.

Хуқуқшунос олим Д.М.Миразов эса «...инсоннинг эркинлиги бошқаларнинг хуқуқлари бошланадиган чегарага қадар бўлиши лозим», деб ҳисоблайди⁵.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир хуқуқ эркинлик туридир. Жиноят процессида шахс эркинлигининг меъёри унга тегишли бўлган конституциявий ва процессуал хуқуқларнинг йиғиндиси билан белгиланади⁶.

З.Ф. Иноғомжонованинг таъкидлашича, «...принциплар бир бутун тизим доирасида амал қилади, бунда ҳар бир принципнинг моҳияти ва аҳамияти нафақат ўз мазмуни билан, балки бутун тизимда амал қилиши билан ҳам белгиланади. Тизимдаги ҳар қандай принципнинг бузилиши, одатда, бошқа принципларнинг бузилишига олиб келади»⁷.

Шахснинг конституциявий хуқуқларини хуқуқий чекловлари мураккаб таснифга эгалигини эътироф этиш билан бирга, уларнинг хусусияти, мазмуни ва амалга ошириш усулидан келиб чиққан ҳолда соҳа, турлар ва шаклларга бўлиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, шахснинг конституциявий хуқуқларини чеклаш соҳаси деганда чекловнинг у ёки бу хуқуқ тизимига боғлиқлиги тушунилади ва шундан келиб чиққан ҳолда соҳавий чекловлар қуйидагича таснифланади:

- 1) конституциявий;
- 2) фуқаровий-хуқуқий;
- 3) маъмурий-хуқуқий;
- 4) жиноий-хуқуқий;
- 5) жиноий-процессуал;
- 6) жиноий-ижроия;
- 7) хуқуқ соҳаси билан боғлиқ бўлмаган.

Иккинчидан, шахс хуқуқларини чеклаш чораларини қуйидаги мезонларга асосан таснифлаш мумкин:

- 1) моҳияти бўйича – моддий ва процессуал;
- 2) қонунда акс этиш усули бўйича – бевосита ва билвосита;
- 3) чекланаётган хуқуқ ва эркинликлар тури бўйича – фуқаролик, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва ижтимоий-маданий;
- 4) тартибга солувчи хуқуқий актнинг тури бўйича – қонун ва норматив акт;
- 5) амал қилиш муддати бўйича – доимий ва вақтинча;
- 6) қонунга мослик даражаси бўйича – қонуний ва ноқонуний;
- 7) ҳажми бўйича – тўла ва қисман.

⁴ Давлат ва хуқуқ назарияси: Дарслик / Х. Т. Одилқориев, И. Т. Тультеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2009. – Б. 114.

⁵ Миразов Д. М. Проблемы совершенствования проверки показаний на месте события по уголовно-процессуальному законодательству Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2004. – С. 18–19.

⁶ Чутбаев М. Р. Даствлабкн терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг хуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 11.

⁷ Жиноят процесси. (Умумий қисм) / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 83.



Учинчидан, чеклов шакли бўйича шахснинг ҳуқуқларини чеклаш турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Шахс ҳуқуқларини чеклаш шакли деганда унинг моҳиятининг намоён бўлиши ёки уни амалга ошириш усули тушунилади. Шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда чеклов шакли сифатида мажбуриятлар, тақиқлар, муҳофаза воситалари, жазо чоралари, жавобгарлик ва ҳоказолар хизмат қилиши мумкин⁸.

Фуқаролик жамиятининг муҳим қадриятларидан бири – инсоннинг эркинлигини таъминлаш. Эркинлик – инсон моҳиятини тавсифловчи беназир қадрият⁹.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари конституция лексиконида кенг фойдаланиладиган ҳамда давлатнинг конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини билдиради. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар муайян давлат ва жамиятда инсоннинг мақоми учун энг муҳим туб-заминли ҳуқуқ ва эркинликлар бўлиб фуқароларнинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари мазмунини белгилаб беради.

«Асосий ҳуқуқ ва эркинликлар» тушунчасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам фойдаланилган. Чунончи, инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадриятдир. Конституциянинг 19-моддасида айтилганидек, «Фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».

Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқ ва эркинликларни конституциявий ҳуқуқ фанида таснифлаш яъни бир неча гуруҳга бўлиб ўрганилади. Шахс ҳақидаги қарашлар, унинг жамият ва давлатдаги ўрни, вазифаси бу таснифларга асос қилиб олинади. Шунга биноан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1) Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар;
- 2) Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар;
- 3) Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (шахсий ҳаёт ва индивидуал эркинлик соҳасида) – Яшаш ҳуқуқи (конституциянинг 24-моддаси), эркинлик ва шахсий дахлсизлик, ҳеч ким озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас (25-модда), жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмайди (26-модда), ҳар бир инсонга ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралаштиришдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга (27-модда), эркин кўчиш ҳуқуқи (28-модда), ҳар бир инсонга фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш эркинлиги (29-модда), шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва яшаш фаолиятларини ҳимоя қилишда давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий

⁸Чутбаев М. Р. Даствлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 23.

⁹Одилқориев Х. Т. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар: Монография / Х.Т. Одилқориев, Ш.У. Якубов. – Тошкент, 2010. – Б. 366.



қоидалар билан уларни таништириш (30-модда), ҳамма учун виждон эркинлиги мустақамланган (31-модда)¹⁰.

Шахснинг шаъни ва қадр қимматини ҳурмат қилиш. Шаън – бу жамиятнинг шахсга баҳоси, жамият аъзоси сифатида фуқарони ижтимоий ва маънавий хусусиятлари ўлчовидир.

Қадр-қиммат деганда, одатда инсоннинг маънавияти ҳамда ақл-идроқи, унинг объектив ва субъектив жиҳатлари, жамиятдаги обрўси, нуфузи, донишмандлиги, феъл-атвори, билим даражаси каби фазилатлари тушунилади.

«Қадр-қиммат» тушунчасида объектив ва субъектив жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларни ўз йиғиндиси бўйича ягона яхлитликни ташкил этадиган қуйидаги хусусиятлар билан таърифлаш мумкин:

- 1) инсоннинг қадр-қиммати (шахснинг қандай сифат ва хусусиятларга эгалигидан қатъи назар, унинг муайян қадриятга эгаллиги);
- 2) шахсий қадр-қиммат (муайян шахсга тегишли ижобий, руҳий ва жисмоний сифатлар билан боғлиқ қадр-қиммат);
- 3) маълум ижобий жамоа гуруҳига мансублиги билан боғлиқ қадр-қиммат (олимларнинг қадр-қиммати, миллий қадр-қиммат, аёлнинг қадр-қиммати, мансабдор шахснинг қадр-қиммати ва ҳ.к.).

Қонун тимсолида ўзининг кафолати ва таянчини кўрмас экан, инсон уни қадрлаш, ҳурмат қилиш ва эъозлашдан йироқлашади. Ўз ҳуқуқини амалга оширишдаги иложсизлик эса шахсни ўз ҳуқуқидан бегоналаштиради. Унинг ҳуқуқдан ихлоси қайтади, скепсис пайдо бўлади. Ваҳоланки, инсон ҳуқуқлари ғояси кучли давлат ғоясига зид эмаслиги азалдан маълум¹¹.

Тарихдан маълумки, жиноятга оид у ёки бу маълумотга эга эканлиги туфайли инсонга, унинг мол-мулкига турли таҳдидлар, тажовузлар бўлган. Шунинг учун ҳам адолат, ҳақиқат, ҳуқуқ-тартибот посбони бўлмиш давлат ишни кўриб чиқишда одиллик ва холисликни таъминлаш мақсадида жабрланувчилар, гувоҳлар ва бошқа шахсларнинг жисмоний ва мулкӣ дахлсизлигини ўз зиммасига олади¹².

Шахснинг дахлсизлиги – умумҳуқуқий институт бўлиб, у давлат ва ҳуқуқ асослари нуқтаи назаридан ҳам ўрганилади. Бу институтга, одатда, шахснинг жисмоний, руҳий, ахлоқий ва психик дахлсизлиги, қисман унинг шахсий эркинлиги ва хавфсизлиги ҳам тааллуқли ҳисобланади. Ҳуқуқ соҳаларида бу институт ўзига хос ўринга эга.

Шахс эркинлиги – инсонга берилган ва ўз қарашлари, хоҳишлари ва тасаввурлари доирасида фикрлаш, ҳаракат қилиш, ўз мақсадларига эришиш имкониятидир¹³.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, у ўз ички қонунларининг хусусиятларига асосланади.¹⁴

¹⁰ Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат / Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б. Мустафоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 584 б.

¹¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2009. – Б. 311.

¹² *Мирақулов М.* Инсон манфаати – олий қадрият. – <http://huquq.uz>.

¹³ *Ўтбобоев М.* Гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларини чеклашнинг халқаро тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 50.



Давлат мустақиллигига эришиш Ўзбекистонга иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий янгилашнининг улкан истиқболларини очиб берди ва ижтимоий — сиёсий ва иқтисодий соҳада туб ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Бу ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъмилашга қаратилган бўлиши ва ҳар бир давлат органлари эса ислоҳотлар талабларини бажаришларини ўзларининг устувор вазибалардан бири ҳисоблашлари зарур.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг ваколатларини тартибга солиш амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатлар билан амалга оширилмоқда. Улар ваколатларининг ўзига хос хусусиятларини баҳолашда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолатли таъсир кўрсатиш шаклларини аниқлаб олиш айниқса муҳимдир. Булар юридик ва ташкилий шакллардан иборат:

Юридик шакл - нормалар ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашдан иборат;

Ташкилий шакл эса - ходимларни тарбиялаш, ички ишлар органларини техник таъминлаш ва бошқарувни ўз ичига олади.

Қонун ижодкорлиги - ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқиш, уларни такомиллаштириш, ўзгартириш, тўлдириш, бекор қилиш, яъни, аввало ички ишлар органларининг кенг қамровли фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган идоравий норматив ҳужжатлар чиқаришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “ички ишлар органлари тўғрисида”ги 407-сонли қонунда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлариғаҳимоя қилишдаги принциплари белгилаб берилган.

Ички ишлар органлари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш асосида амалга оширади.

Ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ички ишлар органларининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чекловчи фаолияти, агар қонуний мақсадга эришилган бўлса ёки ушбу мақсадга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини чеклаш орқали эришиб бўлмаслиги ёки эришилмаслиги кераклиги аниқланса, дарҳол тўхтатилади.

Қийноқларга солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш ички ишлар органи ходимига тақиқланади. Ички ишлар органининг ходими фуқарога қасддан оғриқ, жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган хатти-ҳаракатларга чек қўйиши шарт.

Агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ички ишлар органлари фуқаронинг шаъни, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли бўлган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

¹⁴Чўтбоев М. Шахс дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг баъзи халқаро стандартлари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2008. – № 1. – Б. 76.



Агар қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ички ишлар органлари ҳар бир фуқарога ўзларида мавжуд бўлган, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳужжатлар ҳамда материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт.

References:

1. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Тошкент, 2000. – Б. 49–58; Саидов А. Х., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т.1. – Тошкент, 2001. – Б. 225–227.
2. Чутбаев М. Р. Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 10.
3. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т. 2. – Ташкент, 2001. – Б. 426; Петрухин И. Л. Личная жизнь: пределы вмешательства. – Москва, 1989. – С. 7; Красавчикова Л. О. Личная жизнь граждан под охраной закона. – Москва, 1983. – С. 12–20; Фозилов У. Э. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатининг ҳуқуқий механизмини оптималлаштириш хусусида фикрлар // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2003. – № 4. – Б. 90–92.
4. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х. Т. Одилқориев, И. Т. Тультеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2009. – Б. 114.
5. Миразов Д. М. Проблемы совершенствования проверки показаний на месте события по уголовно-процессуальному законодательству Республики Узбекистан. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2004. – С. 18–19.
6. Чутбаев М. Р. Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 11.
7. Жиноят процесси. (Умумий қисм) / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 83.
8. Чутбаев М. Р. Дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини чеклаш чегараларини белгилаш муаммолари: монография. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 23.
9. Одилқориев Х. Т. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрятлар: Монография / Х.Т. Одилқориев, Ш.У. Якубов. – Тошкент, 2010. – Б. 366.
10. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат / Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б. Мустафоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 584 б.
11. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тультеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2009. – Б. 311.
12. Миракулов М. Инсон манфаати – олий кадрят. – <http://huquq.uz>.
13. Чўтбоев М. Гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларини чеклашнинг халқаро тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2014. – Б. 50.
14. Чўтбоев М. Шахс дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг баъзи халқаро стандартлари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2008. – № 1. – Б. 76.